

МАМЛАКАТ бўйлаб

«Коттон текс» иш бошлади

Мустақиллик байрами кунларида Богот туманидаги қайта реконструкция қилинган «Коттон текс» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси янгидан ўз фаолиятини бошлади.

Корхона замонавий технологиялар билан жиҳозлаш учун 847 минг АҚШ доллари миқдорда сармоя сарфланди. Бу дастхона Германия ва Швейцариядан келтирилган бўлиб, иш сифати охишини таъминлаётди.

Қўшма корхона бир йилда 2 минг тонна ип-калага ишлаб чиқариш қувватига эга. Қувонарлиси, қайта таъмирланган маъмур даргоҳда 80 та янги ишни ўрни яратилди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳисобли дўст айрилмас

Пойтахтимиздаги «Le Grande Plaza» меҳмонхонасида «Бухгалтерия ҳисоби соҳасида йилнинг энг яхши мутахассислари – 2007» республика кўрик-танлови соғлибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ташкилотчиларнинг айтишича, давлатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган бу йилги танловга 144 кишидан арiza тушган. Улар орасидан 32 нафар тақдирловнинг учинчи босқичига йўл олган эди. Аънаанага

қўра, мустақиллик байрами кунларида 6 йўналиш бўйича йилнинг яхши мутахассислари аниқланди. Фойдаларга диплом ва қимматбахо совғалар топширилди.

С. РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Меҳр Нури» жамоатчилик жамғармаси икки йилдан буён тadbиркор аёллар учун «Оилавий тadbиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган грантлар» танловини ўтказиб келмоқда.

Тadbиркор аёлларга грантлар

Бу йил танловда иштирок этиш истагини билдирганлар сонин аввалги йиллардагидан анча кўп бўлди. Хайрат қилган берган маълумотларга қўра, танловда 400 нафардан ор-

тироқ тadbиркор аёллар иштирок этаётди. Грант соғлибларни шу йилнинг ноябрь ойида аниқланади.

О. ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ногиронлар эъзозда

Маълумотларга қараганда, ер юзиде 600 миллион нафарга яқин ногирон бор. Утган йилнинг 13 декабрь кунин Ногиранлар Миллатлар Ташкилоти томонидан ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенция қабул қилинди. Унда мамлакатлар ҳуқуқлари зиммасига ўзгалар ёрдамига муҳтож кишиларга ҳар томонлама қўмак бериш вазифаси юклатилган.

Мустақилликка эришганимиздан сўн Ўзбекистонда ёлғиз қарияларни, кам таъминланганларни, ногиронларни ижтимоий ҳўмоа қилиш, уларга ҳар томонлама қўлайликлар яратиш борасида қўллаб ҳўжатлар қабул қилинди. Бундай кишилар доимо Президентимиз, ҳўкуматимиз эътиборида.

Тошкентдаги «Пойтахт» меҳмонхонасида Истиклолимизнинг 16 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Ногиронлар жаъмияти томонидан уюштирилган бир пийёда чой устидеги суҳбатда шулар хақида гапирилди. Тadbиркор, шунингдек, моддий ёрдамга муҳтож 40 нафар ногиронга қимматбахо совғалар топширилди. Бундан ташқари, шу йилнинг январь-декабрь ойларида ногиронлар Республика Ногиронлар жаъмияти Тошкент шаҳар бўлимининг расмий тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Б. ЭТАМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жарқудукда янги коллеж

Нуробод туманининг узок қишлоқларидан бири – Жарқудукда қишлоқ ҳўжаллиги йўналишидаги касб-ҳўнар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Олти йўналишда касб-ҳўнар ўргатиладиган бу максаан 360 ўқувчи ўрнига эга. Шунингдек, унинг таркибиде 100 ўринли шинам ётоқхона ҳам мавжуд. Қурилиш ишларини Самарқанддаги «Зарафон Шох» масъулияти чекланган жаъмият бунёдкорлари қисқа вақтда амалга оширишди. Иншоотни тиклаш учун учун жаъми 1 миллиард 525 миллион сўмдан ортик маблағ сарфланди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сенат қонунни маъқуллади

Президентимизнинг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамада 2007 йил 16 августда Вазирлар Маҳкамасининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш тўғрисида»ги қарорлари ўз вақтида эълон қилинди. Негаки, ушбу қарорларга биноан, тиражли, лаҳзали ва рақамли лотереялардан ташқари, қимор ўйинларини ва

КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

— Фарида Йўлдошевна, кейинги пайтларда кенг жамоатчилик орасида қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этишга нисбатан ҳақиқат равишида эътирозлар бўлаётган эди. Айтингчи, янги ҳужжатнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

— Тўғри айтасиз, охириги пайтларда республикамизда қимор ва бошқа бир қатор таваккалчиликка асосланган ўйинлар оммалашиб, ёшлар тарбияси ҳамда жамоат ҳавфсизлигига салбий таъсир кўрсата бошлади. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 28 мартда эълон қилинган қарори асосида ишлаб чиқилган «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва

таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тақиқланди. Қолаверса, бу ҳужжатларнинг узвий самараси ўларок, Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган ўн биринчи ялпи мажлисида «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди. Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фарида Абдурахимова билан уюштирилган мулоқот аини шу қонун ҳусусида бўлди.

— Сиз келтирган ҳуқуқий ҳужжатлар — Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Фуқаролик, Солиқ кодекслари ҳамда Маъмурий жаовбарлик тўғрисидаги кодексига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларга ҳам батафсил тўхталсангиз.

— Жиноят кодексининг 278-моддасига киритилаётган ўзгаришлар қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этганлик ёки ўтказганлик учун, шу жумладан, ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этганлик ёки уларни сақлаганлик учун жиноий жаовбарлик белгилашни назарда тутди. Шуниси ҳам борки, маъмур ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини қўлаб, тақдоран ёки ҳафли ривидиш томонидан содир этилганлик учун жаовбарлик янада қўлайлаштирилди.

Маъмур моддага вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда қатнашишга жалб қилганлик учун, шу-

нингдек, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан, жаҳон Интернет тармоғининг провайдерлари томонидан зиматлар кўрсатилган, тегишли дастурий таъминот маҳсулотларини бо-сич чиқарганлик, кўпайтирилганлик, тарқатилганлик учун жиноий жаовбарликни белгилайдиган иккита қисм қўшилмоқда. Аини пайтда «Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида «қимор ўйини» атамасининг мазмуни очиб берилди.

Маъмурий жаовбарлик тўғрисидаги кодексининг 191-моддасидаги ўзгаришлар ҳам қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда қонунга хилоф равишда иштирок этганлик учун маъмурий жаовбарлик жорий этишни назарда тутди. Ушбу модда эндиликда учта қисмдан иборат бўлиб, вояга етмаган шахсни қимор ўйинларида иштирок этишга жалб қилганлик учун, шунингдек, қимор ўйинларини қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш мақсадида турли ҳаракатларни амалга оширганлик учун ҳам жаовбарлик белгиланди.

Маъмур ҳўқуқбузарлик уни содир этган шахслардан компьютер ва бошқа ёрдамчи воситаларни, шунингдек, ўйинга тикланган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбахо буюмлар ҳамда ўйин ютугини мусодара қилиш, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Солиқ кодексларидан, Амалга оширилши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатидан «Тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар» деган тўшунчалар батамом чиқариб ташланди.

Албатта, маъмур ҳўқуқ таъбир тарбияси учун муҳим аҳамият касб этиб, ота-оналар, кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлади, жаъмият ҳаётида ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади. Ёш муҳими, келажак авлод олдида масъулиятни юксатилади.

Қобил ХИДИРОВ суҳбатлашди.

Анжуман

Пойтахтимиздаги «Дедеман Силк Роуд» меҳмонхонасида болалар соғлиги масалаларига бағишланган иккинчи минтақавий семинар иш бошлади.

Фарзанд соғлиги — юрт бойлиги

лоятимизда 1214 та мактаб бор. Шундан дастур асосида 907 та, қўшимча равишда эса 40 га яқин мактаб тўлиқ таъмирланди. 315 та мактаб бутунлай қайта қурилди. Сиз қуриб турган мана шундай мактаблар вилоятимизнинг ҳар бир бурчагида бор.

Ишонаверинг, бизнинг мактаб вилоятда ягона эмас, — суҳбатимизга қўшилиди 21-мактаб директори Сайёра Меликова. — Аммо мактаняти демангу академиклар чиққан мактаб камдан-кам. Жаҳонга донги кетган уч академик бизда ўқиган. Хозирда мактабимизда 1420 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Уларга 102 нафар ўқитувчи устозлик қилапти. Ўқитувчиларимизнинг 6 нафари олий тоифали, 36 таси 1 тоифали, 48 таси 2 тоифалидир. Ўқувчиларимиздан 492 таси аҳолига бағишланган бўлади. Яқинда 8 синф ўқувчиси Фаридун Каримов кураш бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатидан соғлиб бўлиб қайтди. Яна...

Сайёра олингнинг юрагидан қайнаб чиққан сўзларни эшитиб мактабда таълим-тарбия юксак савийда ташкил этилганлигига амин бўлишди. Суҳбатимизни яқинлаб ташқарига чиқсак, ҳовли ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан гапирдик. Юртимиз байроғи кўтарилган устун атрофида 50-60 нафар ўғил-қиз мактабимизнинг мадҳиясини қўйлашгани бизни ниҳоятда ҳаяжонга солди.

Бу ота-оналар ҳам илгари шу мактабда ўқиган, унинг янги қиёфасини кўриш учун болаларига эргашиб келишибди, — деди бизнинг ҳайрон бўлган болаларимизнинг тўшунган Сайёра опа бу холга эътибор берди.

Хаммамиз беҳтошёр болаларга қўйилган пичирлай бошладик. «Сарқўш, ҳур ўлкам, элга бахт, наҳот...» Маъжиями болалар қўйлаб бўлишган, мактаб жаъмоси, ўқувчилари билан хайрлашдик. Қўшимиз тоғдай ўсган, бошимиз осмонга етгандай эди, гўё. 280 мактаб қайта бунёд этилган 280 кунни ифтихорга йўғрилган кунлар десак, хато қилмаган бўламиз. Сабаби, мактаб бунёд этиш хайри ва саов ишларнинг энг улуғидир.

Абдували ҚўТЕЙДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Темур ҚУРБОНОВ олган суҳбатлар.

Марказий ва Шарқий Европа ҳамада МДҲга аҳо мамлакатлар худудини қамраб олган ушбу минтақавий семинар йилнинг 5 ыидагина бўлган болалар ўлимининг юксак даражаси масалалари ҳамда бу борада халқаро миёдаги вазият таҳлил этилади.

Эслайтиб ўтамиз, маъмур тadbир 14 сентябрьга давом этади.

Х. ҚОБИЛОВ.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМҚОН

Президентимиз Ислам Каримов Мустақиллик 16 йиллигини нишонлаш арафасида шу сана муносабати билан ўтказилган қўшма йилгишда қилган маърузасида истиқлол озод ҳаёт, эркин турмуш, миллий ифтихор туйғуси сифатида қалбимиз тўрида эъзозланаётган энг азиз неъмат эканлиги яна бир бор таъкидланди. Маърузада мустақиллик йилларида иқтисодий, ижтимоий, сийсий, маънавий ва маданий ҳаётимизда эришилган муваффақиятлар, юртимизнинг бугун ва келажак, унинг баҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва нуфузи ҳам аққол очиб берилди.

Хар қандай мамлакатнинг қудрати унинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва раванки билан ўлчанди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда бошланган тўб ислохотлар Ватан тарққуёти, турмушимиз фаровонлигини ошириш, янги авлоднинг бахтли келажакини таъминлаш борасидаги улғувор ишларга асос бўлиб ҳизмат қилмоқда. Шундан кўра давримизда мислсиз ўзгариш ва янгиликлар, фидойи халқи-мизнинг бунёдкор ва яратувчилик салоҳияти берма соҳаларда ўзининг самарасини бермоқда. Бундай ўзгаришлар Ўзбекистонимизнинг ҳар бир туманида, маҳалласида, гузариде, қўчасида, оила-сида яқол кўзга ташланмоқда.

Президентимиз қўшма йилгишдаги маърузасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламенти айланганлиги, Қўнунчилик палатаси мунтазам фаолият кўрсатаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтдилар. «Шу тариқа, — деди Президентимиз, — қабул

мамлакатимиз сийсий, иқтисодий ва иқтисодий ҳаётидаги барча ўзгаришлардан хабар топиб турибдилар. Сайловлар билан ҳар сафар урғашганимизда ўларнинг қувонтиридан ютуқлар, қонуналикларининг ҳаётидаги ўрни тўғрисидаги тўра-фидоликлар билан ўртоқлашдилар, давлатимизнинг икки палатали парламенти фаолиятида ўз депутатлари орқали иштирок қилаётганидан мамнун эканлигини билдиридилар. Мана шулар Президентимиз ишон билан айтган катта имқондир.

Дил сўзи

Юртобимиз томонидан белгилаб берилган ҳўқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жаъмиятини шакллантиришнинг устувор йўналишлари ҳаётида ўз на-тижасини кўрсатмоқда. Мана, учинчи йил-дирки Олий Мажлис Қўнунчилик палата-си депутатлари ўз сайловчилари тим-соларида фуқароларимизнинг сийсий фа-олигини ошганини, ислохотлар самара-дорлигини оширишда партиалар ташаб-буқорлиги, қилми, масъулияти кўнаён-лигини ҳис қилишди.

бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сийсий партиаларнинг ролини қўлайтириш тўғрисидаги Ўзбеки-стон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши жаъмиятимида сийсий ҳара-ёлларнинг тақомиллашиши ва сайлов-чиликларимизнинг у ёки бу партиа аъзоси сифатидаги фаолиятини янада ошириш-га ёрдам беради.

Ўзбекистон — кўп миллатли давлат. Мен Олий Мажлис Қўнунчилик палата-сида қоракалпоқ халқининг вақилиман. Қоракалпоғистон Ўзбекистон бағрида ривож топаётган замин. Президентимиз мустақилликнинг илк куларидан қўна-бу ўлкага, унинг ўз очик осмони ва кенг-ликларига монанд бағри кенг инсонла-рига меҳр билан катта эътибор қара-тиб келётганини ҳар бир киши яхши билади. Яқиндагина давлатимиз раҳба-рининг қоракалпоқ дёрида бўлиб, воҳа аҳолисининг ҳаёти, ҳар бир оила ти-нчилиги, фарзандларининг бугун турли со-ҳаларда эришаётган ютуқлари билан яқиндан танишдилар. Ушунда «Бизнинг энг катта бойлигимиз — меҳнаткаш хал-қимиздир» дея халққа катта ҳурмат қўра-тиши ҳар бир қоракалпоғистонлик кўр-абини фахр-ифтихорга тўлдирди. Қо-ракалпоқ халқи келажакни ўйлаб амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишларини санаб сановига етиб бўлма-йди. Хусусан, «Навоий-Учқўдқ-Султон Увайтўр-Нўқ» темир йўли бунёд этил-

«Холис» эл хизматида

Анджон шаҳрининг Янгибозор қисмида «Холис» савдо маркази қуриб битказилди.

Миллий меъморчилик анъаналари асосида барпо қилинган маъмур марказ минимаркет, 200 хўрандага мўлжалланган ошона, салқин ичимликлар дўкони каби хизмат кўрсатиш шо-

хобчаларини ўз ичига олган. Савдо марказида 600 нафар ишчи миқозга хизмат кўрсатади.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҲБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 11 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисобоватлари юртимиз, шунингдек, бошқа ва бошқа маъмурий тўловлари учун хо-рижий валюталарини сўма нисбатан қўйидаги қийматини белгилади: /

| | | | |
|------------------------|---------|----------------------|---------|
| 1 Австралия доллари | 1049,07 | 1 Малайя рингити | 363,58 |
| 1 Андия фунт стерлинги | 2569,19 | 1 Поляна злотийси | 454,74 |
| 1 Дания кронаси | 233,12 | 1 СДР | 1950,84 |
| 1 БАА дирхами | 346,72 | 1 Туркия лираси | 981,99 |
| 1 АҚШ доллари | 1273,45 | 1 Швейцария франки | 1055,40 |
| 1 Миср фунги | 225,65 | 1 ЕВРО | 1735,84 |
| 1 Исландия кронаси | 19,83 | 10 Янубий Корея вони | 13,58 |
| 1 Канада доллари | 1210,39 | 10 Япония иенаси | 110,13 |
| 1 Ҳонг кони | 168,79 | 1 Россия рубли | 49,68 |
| | | 1 Украина гривнаси | 252,17 |

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарини ушбу қий-матда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Гўлстон АННАҚИЛИЧЕВА, Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ҳукумат қарорга қарши



Кеча эрталаб Покистоннинг собиқ бош вазири Навоз Шариф чиққан самолёт Исмолобод шаҳри аэропортига келиб қўнди. У 2000 йилда мамлакатдан чиқариб юборилган эди.

У ватанига жўнаш олдин Лондоннинг Хитроу аэропортида журналистларга берган интервьюсида, Покистоннинг амалдаги президенти, генерал Первез Мушаррафга қарши муҳофизатда бўлишини маълум қилди. Навоз Шариф қайтиши муносабати билан Покистонда жиддий хавфсизлик чоралари кўрилди. Пойтахтга элтувчи барча асосий йўлларда автомобиллар ҳаракати тўхтатилди. Полиция ва ҳарбийлар жанговар ҳолатга келтирилди. Икки минг нафарга яқин киши ҳибсга олинди.

Журналистда нима айб?

«Ироқ эркин матбуоти учун» ташиқлотининг маълумотларига қараганда, 2006-2007 йиллар сентябри оралигида мамлакатда 61 нафар журналист ҳалок бўлган, 23 нафар оммавий ахборот воситаси ходими гаровга олинган.



Ташиқлот тарқатган баёнотда таъкидланганича, мамлакатда содир бўлаётган вақоа-ҳодисаларни ҳолис ҳамда тезкорлик билан ёритишга ҳукумат ва маҳаллий амалдорлар ҳалақит беришга уринишляпти. Утган бир йил ичида юз марта шундай ҳолат содир бўлди. АҚШ ва Буюк Британия қўшинлари раҳбарияти ҳам 13 марта журналистлардан маълумотларни яширишга ҳамда уларга тазйиқ ўтказишга уринган. «Ироқ эркин матбуоти учун» ташиқлоти маълумотларига асосланиб, ИТАР-ТАСС тарқатган хабарга кўра, бу ерда уруш бошлангандан буён 213 нафар маҳаллий ва чет эллик журналист ҳалок бўлган.

Колумбияда зилзила

Колумбиянинг жануби ғарбда шу яқшанбадан душанбага ўтар кечаси кучли ер силкиниши қайд этилди.

Колумбия жўрофия ва тоқон саноти институти сейсмологларининг таъкидлашича, ер силкиниши кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,2 баллини ташкил этган. АҚШ геология хизмати вакиллари эса зилзила кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,9 баллдан ҳам кучлироқ бўлганини маълум қилишди.



Ер силкиниши маркази Колумбиянинг Тинч океанидаги асосий порт шаҳри Буэнавентурадан 166 километр узоқликда жойлашган. Ҳозирча вайронгарчиликлар ва жабрланганлар ҳақида ҳеч қандай хабар тарқатилгани йўқ.

Истеъфога чиқмоқчи

Япония бош вазири Синдзо Абэ агар парламент ҳукумат томонидан киритилган Афғонистондаги АҚШ қўшинларини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги шартнома мuddатини узайтиришга қаршилиқ билдирса, истеъфога чиқишини айтди.

Бу ҳақда «Интерфакс» хабар тарқатди. Синдзо Абэ парламент йиғилишида сўзга чиқиб, шартнома мuddатининг узайтирилиши Япониянинг халқроқ тероризмга қарши курашга қўшган ҳиссаси бўлади, деди. Июль ойида бўлиб ўтган парламент юқори палатаси учун сайловларда муҳофизатдаги Демократик партия вакиллари йирик ғалабага эришган эди. Шундан сўнг улар ҳукумат чиқарган ҳар қандай қарорни рад этиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Эстакада қулаб тушди

Ҳиндистоннинг Хайдаробод шаҳрида қурилиши битмаган эстакаданинг қулаб тушиши натижасида камида 20 нафар киши ҳалок бўлган. Бу ҳақда ахборот тарқатган Sky News хабариди айтилишича, вайрона тағдида яна бир неча киши қолиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Ҳалокат содир бўлган жойда қутқарувчилар отряди ва тез тиббий ёрдам ходимлари иш олиб бормоқда.



Омадли йўловчилар

Копенгагендан Аалборг шаҳрига парвоз қилаётган Даниянинг Скандинавия авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёти кўниш пайтида ҳалокатга учради. Reuters хабариди таъкидлашичи, ҳаво лайнери ерга тушган пайтда унинг ўнг гилдиргаги тиргаги синиб кетган. Натижада самолёт ўнг қаноти билан бир неча метрга судралиб борган. Хабарда айтилишича, 73 нафар йўловчининг ҳеч бири жиддий жароҳат олмаган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Фаргона вилоятининг Бешариқ туманида жойлашган «Азизжон Бегматов» МЧЖ раҳбари, Данғара тумани Қора кўрпа қишлоғида яшовчи Бегматов Азизжон ҳамда «Ганга» хусусий фирмаси раҳбари, Бешариқ тумани Қорамулла қишлоғида яшовчи Эркаев Насвали Фаргона вилояти хўжалиқ судининг 2007 йил 27 августдаги 15-0705/10446-б ва 15-0705/10447-б сонли фирмани банкрот деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво аризасини иш юритувга қабул қилиш ажримини билан 2007 йил 14 сентябрь куни судда кўриб чиқиш учун тайинланганлиги сабабли 2007 йил 12 сентябрь куни соат 14.00 да Бешариқ тумани Давлат солиқ инспекцияси биносидида кредиторлар йиғилишлари бўлиб ўтди.

Йиғилишга келганлар соат 11.00 да Бешариқ тумани Давлат солиқ инспекциясида ДСИ ходими О.Машрабжоновдан рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ўз даврида нақшбандия тариқати таҳлили ва тарғиботиға муносиб ҳисса қўшган Саид Аҳмад ибн Мавлоно Жамолiddин Хожатоний Маҳдуми Аъзам деган қарши билан тарихда катта из қолдирган. Истиқлол туғайлиғина унинг бой меросидан баҳраманд бўлиш бизга насиб этди.

АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

Аллома туғилиб ўсган Косонсойдаги маҳалла унинг номи билан аталиб, бу ерда Маҳдуми Аъзамға ёдгорлик барпо этилди. Баландлиғи 32 метрли, шарқона усулда нақшланган бу обиданинг биринчи қаватидаги рамзий қабрга Ҳазратнинг Даҳбеддаги қабридан келтирилган тупроқ қўйилган. Ёнидаги катта хонадан эса алломанинг умрбоқий асарлари ўрин олган.

Маҳдуми Аъзам ёдгорлиғи Мустақиллик тантаналари кунлари зиёратчиларга ўз эшигини очди. Унинг очилиш маросимида косонсойликлар қатори узоқ-яқиндан келган меҳмонлар ҳам иштирок этдилар.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ПОЙТУҒ ТОЛАСИ ХАРИДОРГИР



Ўзбек пахтасининг доғруғи дунёга кетган. Сабаби, тола чиқиши ва сифатининг юқорилиғи, яна бошқа кўп жиҳатлари билан устун эканлиғи халқроқ миқёсда аллақачон тан олинган. Шу боисдан «оқ олтин»имизга талабдорлар йил сайин кўпаймоқда. Қувонарлиси, эндиликда экспортда тайёр, ярим тайёр маҳсулотларнинг улуғи ҳам ортиб бораёттир. Бунда мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан энгил саноят тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мавжуд корхоналарни технологик жиҳатдан қайта реконструкция қилинаётгани, шунингдек, янгилари бунёд этилаётгани бош омили бўлмоқда. Яна бир жиҳати, бу жараёнда хусусий сектор вакилларининг иштироки фаоллашган.

Избоскан тумани маркази Пойтуғ шаҳридаги «Ўз Андиюкстекстиль» хусусий корхонаси ана шундай корхоналардан бири. Унинг йиллик қуввати 500 тонна калава ип ишлаб чиқаришга эга.

Айни пайтда бу ерда корхонани янада ривожлантириш устида иш олиб бориляпти. Шу мақсадда хитойлик табирикорлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Натижада бир кунда 30 миң донга қоп ишлаб чиқаришга мўлжалланган цех ишга туширилмоқда. Бу қўшимча 100 та иш ўрни очилади, деганидир. Ана шунда корхона ишчиларининг сони салкам 200 нафарга етади.

СУРАТДА: хусусий корхона ип йиғирувчиси Сайёра Холматова.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сураат.

Навоий томонларда

Кимёгарлар маҳсулоти — хорижга

«Навоий азот» ОАЖда ишлаб чиқарилаётган аммиакли селитра, нитрон толаси, метанол сингари бир қатор кимёвий маҳсулотлар харидорлиғи билан ажралиб туради.

Корхона бу маҳсулотларини Покистон, Афғонистон, Эрон, Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Украина, Тожикистон, Туркменистон каби давлатларга экспорт қилмоқда.

Тадбиркорга қулайлик

Зарафшон шаҳрида «Микрокредитбанк»нинг янги бўлими ўз фаолиятини бошлади.

Олтинтопарлар юртида бундай банкнинг иш бошлаши кичик бизнес субъектларига кенг имкониятлар эшигини очди.

Имтиёзли кредитлар самараси

Мамлакатимизда Осий тараққиёт банкининг UZB-1737 «Урта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Академик лицей ва коллежларни замонавий ускуналар ҳамда ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашда ушбу лойиҳа асосида ушбу лойиҳа банкларининг имтиёзли кредитларидан умумли фойдаланилаёттир.

Япония халқроқ ҳамкорлик банкнинг UZB-P6 лойиҳасига асосан коллежлар 51 миң АҚШ доллари қийматиға эга бўлган ўқув лаборатория жиҳозлари, кишлоқ хўжалиғи машиналари билан таъминланди.

Қизилтепа агроқтисодий, Нурота ижтимоий-иқтисодий коллежларида кичик бизнес учун кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантиришда Бельгия Қироллигининг фоизсиз кредит маблағлари нача қўл келмоқда.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Дам олиш кунини дўстимнинг уйда икковлон судхатлашиб ўтиргандик. Бир маҳал эшик кўнгириги устима-уст жиринглади. Хонадон соҳибига даҳлиғиза чиқиб, эшикни очди-да, остоида кимлар биландир узоқ гаплашди. Кейин «Энди бир камимиз конфетта қоғоз ўраш қолувди» деганча, сал асабийлашган кўйи хонага қайтиб кирди.

янгилик бўлмай қолди. Чунки эндиликда астойдил меҳнат қиламан, ҳалол пул топаман деган одам илгаридек иш сўраб, турли ташиқлот-идоралар эшигини қўқиши шарт эмас. Сабаби — бугун иш бериувчиларнинг ўзлари уларни ишлаб келишляпти, ҳар иккала тараф учун ҳам мақ-

гароншифер» очик акциядорлик жамияти ўндан ортик хотин-қизга ўз хонадонларида чеварлик, каштачлик ва зардўлик қилишлари учун шартот эриштиб берди. Бундан ташқари, «Бахт» маҳалласида тивувчилик ҳежи очилишига, ободонлаштириш ишлари билан шуғулланиш истағида

маҳсулотлари тайёрловчи «Са-ноатқалинқозғосавдо» корхонаси мўласадлариди олиб бораётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Негаки, бу жамоада ишлаб чиқариш ҳажимини кенгайтириш неғизида касаначиликка кенг йўл очиб берилди. Шу мақсадда хозирга қадар 75 киши билан шартнома имзоланди. Улар ўзларига яратиб берилган қулайликлардан умумли фойдаланиб, қартон қоғоз ва ёғочлардан корхона маҳсулотларини тағмалашда асқотадиган ёрликлар ясашмоқда, махсус иш кийимлари ва кўнголар тикишмоқда. Муқаддам матбаччилик соҳасида фаолият кўрсатиб, катта тажриба орттирган ишчилардан жамланган касаначилар гуруҳи эса олданда цехларда бажарилаётган юмушлардан айрилмагани ўз зиммаларига олиб, ўқувчилар дафтари, ёндашарчилар, жилд-муқовалар учун безаклар хозирлашга киришиб кетди.

Зеро, касаначилик оила ташвишларидан, уй-рўзгор юмушларидан ортик корхона-ташиқлотларда ишлаш имкони бўлмаганлар ва қўшимча даромадга мўнотож кишилар учун жуда қўл келмоқда. Шунингдек, улар иш ва дам олиш вақти, меҳнат шартоти ва мўлофазаси нўқтан назаридан бошқа соҳаларда ишловчилар билан барча ҳуқуқлардан теппа-теғ фойдаланмоқдалар.

Бандлик муаммосини ҳал этиш, айниқса, хотин-қизлар ва кишлоқ ёшларини иш билан таъминлашда, шўбхасиз, меҳнат ярмаркаларининг ҳам ўрни бўлакча. Шу боис жорий йилнинг дастлабки ярмида вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мўлофазаси қилиш бош бошқармаси томонидан 67 марта ана шундай тадбирлар ўтказилди. Уларда етти юзга яқин корхона-ташиқлот олти миңдан ортик бўш иш ўринлари билан қатнашди. Пировадиди, икки миңдан эиёди киши тайинли иш жойига эга бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда, вилоятда юқориди тилга олинган Фармон ижросининг таъминлини иш бериувчилар учун ҳам, ишга жойлашяётган ва касаначилик билан шуғулланаётганлар учун ҳам катта имкониятлар туғдирмоқда. Бу махсулот турларининг кўпайишиға, эл-юртининг янада равнақ топишиға олиб келмоқда.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МЕҲНАТНИНГ ЗИЙНАТИ КЎП

— Ҳа, тинчликми? — дедим мен унинг кайфияти нимаға бузилганини билиш мақсадида. — Тинчлик. — Меэбон бепарволарча қўл силтаб жойига чўкди-ю, пилёлабди совиб қолган чойини бир кўтаришда сиримди. Аммо барибир ҳовури босилмади, шекилли, дилида борини тилиға чикарди. — Боягилар қўшинларимиз, — деди боши билан йўлак томон ишора қилиб, — Аннадан бери иш излаб юришувди. Яқинда аллақайси қандолатчилик фабрикаси билан ўзаро келишиб, шартнома имзоллашибди. Унга кўра, корхона вакили ярим тайёр махсулот ва ёрлик қоғозларини кўнда-кўнуроқ уларнинг хонадонлариға ташлаб кетаётганмиш. Иккиси эса конфетларни ўраб-қадоклаб бериб, ҳар қилосига 50 сўмдан ҳақ олаётганмиш. Фабрикаға бунча эҳдимлардан яна керак экан. Қўшинларим менинг турмуш ўртоғим уйда ўтирганини ва буй этиб келаётган ўғил-қизларим борлигини назарда тутиб, «Кеннойимизу жияларимиз ҳам бизнинг қаторимизға қўшилсалар, чакки бўлмасди», деб чиқишди...

Дўстим мулоҳазаларимни эшитиб, уйга толди. — Гапингда жон борға ўшайди, — деди аннадан сўнг бошини дадил кўтариб. — Қолаверса, тиркичиликнинг айби, меҳнатнинг яхши-ёмони йўқ. Ҳали бул шартлар асосида турли юмушларни бажаришни тақлиф қилишляпти. Энг муҳими, юртимизда бандлик масаласини юқубий ҳал этишға устувор вази-фалардан бири сифатида қаралаляпти. Бу ерда Президентини

Бандлик

мизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноят корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўрта-сида кооперацияни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этиляпти. Касаначиликнинг йирик саноят корхоналари билан кооперациялашуви аҳоли даромадларини кўпайтиришға ва турмушини янада фаровонлаштиришға хизмат қилаяпти. Бунга Тошкент вилоятда амалға оширилаётган ишлар мисолида ҳам ишонч қилиш мумкин.

Дарвоқе, охириги вақтларда вилоятда касаначиликнинг ривожланишиға маҳаллий ҳокимият идоралари, давлат ва жамоат ташиқлотлари билан бир қаторда йирик завод-фабрикалар ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Масалан, сўнгги иш учун-ўрт ол давомидида хомийлар қўмағи туғайли Охангаронда оила шароитида ижтимоий фойдали меҳнат билан банд айилар сонини нафардан ошди. Биргина «Юкс-

Касаначиликнинг йирик саноят корхоналари билан кооперациялашуви аҳоли даромадларини кўпайтиришға ва турмушини янада фаровонлаштиришға хизмат қилаяпти.

келишса, уйдагилар билан масалахатлашиб кўри-чи, қолгани бир гап бўлар... Ораддан икки ойча ўтгач, уни кўнда шодон кайфиятда учратдим. Айтишчи, оила аъзолари гапни бир жойға қўйиб, ўша корхона билан шартнома имзоллашибди. Ҳозир кўниға 150-200 кило махсулотни кўндан ўтказиб, ўртча 8-10 миң сўмдан пул топишяётган экан. Шу тариха ҳам ишли бўлишибди, ҳам рўзгорларига айна барака қилиб қўлибди... Очяги, бунча воқеалар кейинги пайтларда кўпчилиг учун

GAZ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS
GAZ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндикли
GAZ-31105, «ВОЛГА»
GAZ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндикли
GAZ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи
GAZ-2705, 7 ўриндикли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндикли
GAZ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндикли
GAZ-3307 Автовакуатор
GAZ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сонини — 112 та, 3 ўриндикли
ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «GAZ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ
«Волга» автомобиллари;
6-15 ўриндикли микроавтобуслар;
3-7 ўриндикли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.
ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛДАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь», ЮК МАШИНАЛАРИ: озик-овқат, саноят моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассензиторлар, автогидроқурғичлар, автоустаконлар, бургулаш (буровые), чикинди ташийдиган, мобил билборлар, автовакуаторлар, АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сўт ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport



Ўзбек бокс мактабининг жаҳонда ўз ўрни бор. Бугун биз Руслан Чагаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Ҳайдаров, Рустам Саидов, Элшод Расулов сингари юртимиз доврғини дунёга тараннум этаётган боксчиларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Кувончилиси, уларнинг издошлари юртимизда истаганча топилади.

БИР ДАҚИҚАДА НОКАУТ

Кеча Тошкент халқаро аэропортида 31 август — 9 сентябрь кунлари Озарбойжон пойтахти Бокуда ўсмирлар ўртасида ўтказилган навбатдаги жаҳон биринчилигида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз тантанали равишда кўтиб олинди. Дунёнинг 50 га яқин мамлакатидан ёш "Чарм кўлқон" усталари катнашган баҳсда йигитларимиз 1 та оltин, 2 та кумуш, 2 та бронза медалини кўлга киритдилар.

Жумладан, 57 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан кўнқонлик Уктам Раҳмонов финалгача Жанубий Корея, Беларусь, Қозғистон ва Россиядан келган боксчиларни мuddатидан олдин мағлубиятга учратди. Финалда эса озарбойжонлик Европа чемпионати иштирокчиси Габуатулла Хожалиевни бир дақиқа ичида нокаут ҳолатига тушириб, жаҳон биринчилиги ғолиби бўлди. Шунингдек, кувасойлик Авазбек Акрамов (66

кг.) ва Хоразм бокс мактаби вакили Жалол Ҳафизов (60 кг.) кумуш, бекободлик Фазлиддин Ғоибназаров (54 кг.) ҳамда фарғоналик Машҳурбек Рўзиев (63 кг.) лар юртимизга бронза медаллари билан қайтишди.

— Ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг нуфузи йилдан-йилга оshиб бормоқда, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Рустам Мажишов. — Мен, Бокудаги мусобақаларда ҳам сифатида иштирок этдим. Эътибор берадиган бўлсак, аввалги чемпионатларда 20 дан ортиқ мамлакатдан спортчилар катнашарди. Бу йилгисидан иштирокчи давлатлар сони 50 га яқинлашди. Барча вазн тоифаларида кучли спортчилар кўп эди. Бу ҳам ўзбекистонлик боксчилар эришган ғалабанинг нақадар юксаклигини далолат беради.

Қойил!

Темур ҚҮРБОНБОВ олган сурат.

ИРОДА ВА ДЕНИС ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!



Бир ҳафта мобайнида пойтахтимиздаги "Тошкент теннис маркази" кортлари теннис бўйича Осий чемпионатида мезбонлик қилди. Мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган мусобақада қитъамизнинг йигирмага яқин мамлакатлари теннисчилари бош соврин учун баҳс юритдилар. Қитъа турнирининг иккита асосий номинацияси — аёллар ва эркеклар ўртасидаги яқалик беллашувларда ўзбекистонлик теннисчилар муносиб ўрин эгаллади. Ирода Тулаганова ва Денис Истомин Осий чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлдилар.



2002-2007 йиллар Осий теннис федерацияси тарихида ўзига хос ёрқин саҳифа бўлиб қолади. ОТФ ассамблеяси 2002 йилда мазкур нуфузли турнирни Ўзбекистонда ўтказишни маъқул топганди. Қаторасига уч марта уюштирилган чемпионат ўйинлари ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтди. Шуларни ҳисобга олган ташкилотчилар даввоғар мамлакатлар кўп бўлишига қарамай, чемпионатнинг иккинчи мuddат мусобақаларини ҳам (2005-2007) юртимизда ўтказишга қарор қилишди.

Шуни кувонч билан айтиш мумкинки, кейинги йилларда Ўзбекистон пойтахти жаҳон миқёсидаги мусобақалар ўтадиган марказга айланиб бормоқда. Халқаро турнирларни ўтказишда бой тажриба тўпланди. Тошкентда ўтаётган Осий чемпионатларида ўзбек теннисчилари доимо юқори погоналарни забт этаётганлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Турли йилларда Осий чемпионати шохсусасидан Вадим Куценко, Денис Истомин, Оқул Омонмуродова ва Ирода Тулагановалар жой эгаллашган.

Қолаверса, ушбу турнир қитъанинг кучли теннисчиларини саралаш маъносидан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, Осий чемпионатининг омавийлиги тобора оshиб бормоқда. Илгари мусобақага мукофот жамғармасини ютиш учунгина келишадиган бўлса, эндиликда яқалик бахслари ғолибларига дунёдаги "Улкан тож" туркумига кирувчи тўртта йирик турнирлардан бири — "Australian open" да катнашиш учун йўланмалар берили бошланди.

Бу йилги чемпионат ўзбекистонлик иккидорли теннисчилар — Ирода Тулаганова ва Денис Истомин учун омадлик келди, деб бемалол айтиш мумкин. Ирода дастлабки беллашувларни осонлик билан ўз фойдасига ҳал қилди. Ярим финалда Хитой тайпейлиги теннисчи И-Сун Хуан устидан қозонилган ғалаба унинг бош соврин учун курашга бўлган ишончини янада оshирди. Фи-

нада хундистонлик тажрибали теннисчи Тара Йиерни мағлубиятга учратди.

— Жорий йилда эришадиган натижаларим чакки эмас, — дейди Ирода. — Қатор нуфузли турнирларда ғалаба қозондим. — Шулар орасида энг муҳими, Осий чемпионлигини кўлга киритганим бўлди. Менинг бу ғалабам Истиклолимизнинг 16 йиллигига қатнашган совғамдир. "Australian open" га йўланма олишим менга қатнашган муваффақиятларга йўл очиб бериши шубҳасиз.

Денис Истомин учун ҳам чемпионлик йўли оson кенмади. У финалда қозғистонлик тажрибали теннисчи Алексей Кедрюкни мағлуб этган Татсума Ито билан учрашди. Икки сет давом этган беллашув ҳамортимиз фойдасига ҳал бўлди.

Эркеклар ўртасидаги жуфтлик баҳсларида вакилимиз Мурод Иноятов ўз чемпионлик тожини қозғистонлик Алек-

сей Кедрюк билан баҳам кўрди. Қизларимизнинг эса омади чоғида, Туркида Хитой тайпейлиги Чин-Вей Чан ва И-Хуан Хванлар ғалаба қозонди.

Осий теннис федерацияси вакиллари ғолибларга "Australian open" йўланмасини топширишди. Ниҳоят, мухлислар ҳаяжон билан кузатган теннис бўйича "Осий чемпиони — 2007" мусобақалари якулланди. "Тошкент теннис маркази" кортлари яна қисқа мuddатга сокинлашиб қолди. Санжолки кўнлардан сўнг пойтахтимизда WTA туркумига кирувчи нуфузли "Tashkent open" турнири бошланади.

Осий чемпионатининг тантанали ёпилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири. Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

Ҳамюртимиз бронза медали соҳиби

Шу йилнинг 1-9 сентябрь кунлари Германиянинг Штутгарт шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Мазкур жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Антон Фоккин брус машқларида муваффақиятли катнашиб, бронза медалини кўлга киритди.

Омад кулиб боқмади

Келгуси йили Хитойда ўтадиган Олимпиада ўйинларига йўланма берувчи баҳсларда катнашадиган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Самарқанд шаҳрида Сурия олимпиячиларига қарши майдонга тушиб, 0:0 ҳисобида дуранг ўйнади.

— Бой берилган имкониятлар анча қимматга тушмоқда, — деди ўйиндан сўнг Ўзбекистон олимпия терма жамоаси бош мураббийи Вадим Абрамов. — Мана, мазкур учрашувда ҳам яна бир футболчимизга қизил картонка кўрсатилди. Бугунги ўйинда ўйинчилар берилган курсатмаларни тўлиқ бажаришмади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси навбатдаги учрашувини 12 сентябрь кунги пойтахтимиздаги МХСК стадионида Баҳрайн олимпия термасига қарши ўтказди.

О. ФАЙЗИЕВ.

«Respublika Mulk-Auksion» ОУК

томонидан газетанинг 2007 йил 14 августдаги 158 (4311)-сонидан чоп этилган эълонда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ҳокимиятига қарашли Чирчиқ шаҳри, "Чирчиқ шаҳар 50 йиллиги" кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси 180 692, 404 минг сўм бўлган 4 қаватли қурилиш тугалланмаган биноси сотиш бўйича (объектни қуриб битказиш, қурилиш тугаллангандан сўнг хонадонларнинг умумий сонидан 10 фозини Чирчиқ шаҳар ҳокимияти тасарруфига ўтказиш шарти билан) 2007 йил 14, 28 сентябрь кунлари соат 11.00 да очик танлов савдолари ўтказилиши белгиланган эди.

Ушбу бино Давлат мулк кўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2007 йил 29 августдаги 255-Д-сонли буйруғига асосан очик танлов савдосидан олинганлигини маълум қиламиз.

РАМАЗОН ОЙИНИНГ ИЗ МУБОРАК БЎЛДИНИ !!!

SMS - РАМАЗОН

RAMAZON КОДИНИ

33339 га юборинг

ва Рамазон ойи тугагунга қадар ҳар кун саҳарлик ва ифторлик вақтларини телефонда қабул қилинг

БАРЧА КИРУВЧИ СМСЛАР БЕПУЛДИР

Мазкур хизматлар "Билайн" ва "Perfectum Mobile" Рамзон ойида оltин нархи 1.5 \$ НДС билан. Ушбу Ўзбекистон Республикаси Марказий банк курси бўйича Техник қўлаб-қувватлаш телефон рақами: (99871) 152-29-74

ДСК Ахборот хизмати хабар қилади

ХУФИЁНА ИШ ФОШ БЎЛДИ

Маълумки, айни кунларда республикамизда алкоғоли ичимликларнинг чакана савдосини тартибга келтириш бўйича кенг қамровли тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирлардан мақсад алкоғоли ичимликлар савдоси билан шуғулланувчи дўконларни ихтисослаштириш ва хуфий равишда спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришга кескин чек қўйишдир.

Буни қарангки, кўпчилик ана шундай савоб ишлар билан банд бўлиб юрган бир пайтда, Каттақўрғон шаҳрида истиқомат қилувчи С. Султонова ўз хонадонидан яширин равишда қалбаки ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан банд экан. Хайриятки, унинг ушбу «тадбиркорлиги» узоққа бормади — қилмиш Каттақўрғон шаҳар ДСИ томонидан фoш этилди. 104 минг сўмлик этил спирт, 393 дон қалбаки акциз маркази, 69 минг сўмлик 600 дон бўш шиша аширинча сақланаётган маълум бўлди. Шаҳар прокуратураси эса сохта «тадбиркор» устидан жиноий иш кўзғатди.

Комил АЛЛАМЖОНОВ.

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газевейс» ЕАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва каттопкадаги қозонларни тақлиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатиға 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерға ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерға ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерға ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун қафолат — 24 ой.

Қўрғазмалар ва сервис марказлари манзиллари:

- Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
- Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесилган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

Газеталар, китоблар, журналлар

BTL ARZIMEDIA

BU TLArziMedia

Обуна — 2008

Тел.: 150-30-50, 133-16-16

Давлат, хусусий ҳамда мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ

автоматик телефон станцияси харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.

Тендер тақлифлари 2007 йил 10 сентябрдан 10 октябрь соат 17.00 гача қабул қилинади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Ш.Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 136-27-82, 152-30-36. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон халқ ҳофиси

Фахриддин УМАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Grandquindustriya» саноат-қурилиш гуруҳи жамоаси «Грандстрой» Ўзбекистон — Қозғистон саноат-қурилиш компанияси ваколатхонаси раҳбари Абдувахит Юлдашевга палари бузурқовори

Мутал **ЮЛДАШЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материалли

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Б. Этамқудов. Навбатчи — Ю. Бўринов. Мусоҳиҳ — Ш. Машраббев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 23.30 2 3 4 5 6

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 12 октябрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига куйидаги мулкларни кўймоқда:

- Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 20 апрелдаги ЖИБ УСҚ 1-127/2007-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бўзсув каналининг чап қирғоғида жойлашган, умумий майдони 0,04 гектар бўлган 27-сонли ер участкасига бўлган эғалик ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм.
- Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 20 апрелдаги ЖИБ УСҚ 1-127/2007-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бўзсув каналининг чап қирғоғида жойлашган, умумий майдони 0,04 гектар бўлган 28-сонли ер участкасига бўлган эғалик ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода катнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк ном, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фозини миқдорда закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, х/р 20208000804234776001 тўлашулари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода катнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев к., 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

СПЕЦТЕХНИКА ИЗ КИТАЯ

Под заказ

РЕАЛЬНАЯ ТЕХНИКА ЗА РЕАЛЬНЫЕ ДЕНЬГИ

- Грузовики
- Самосвалы
- Седельные тягачи
- Автокраны
- Трейлеры
- Бульдозеры
- Экскаваторы
- Погрузчики
- Дорожные катки
- Асфальтоукладчики

Тел.: (+998712) 54-77-19, (+99890) 328-29-48 e-mail: info@spetstechnika.com

Российский линолеум

Обои

ВИНИЛОВЫЕ

Форма оплаты — любая

Товар сертифицирован

тел. 134-48-11

факс 134-49-58

ЯШАШ УЧУН SOLAR MASTER ВАГОНЧАЛАРИ

- автономлик (узоқ ва бориш қийин бўлган жойларда фойдаланишда қулай)
- мобиллик (ташиш ва монтаж қилиш оson)
- унумлилик (яшаш, оshона, офис, санитария-гигиена хонаси сифатида фойдаланиш + ичини алоҳида жихозлаш)
- қулайлик (иссиқликни сақлаш, хавфсизлик)

КЎШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚўЛЛАШ

Қуёш энергияси билан электр қуввати ишлаб чиқариш, ёритиш ва сувни иситиш учун

Тел./факс: (+99890) 327-48-39, (99871) 54-77-19. E-mail: info@solar-ct.com